



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ
НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Асрлар давомида халқимизга хос меҳр-оқибат, хайр-саховат каби эзгу умуминсоний қадриятларни намойён этиб келаётган Қурбон ҳайити жонажон Ватанимизда ўзаро ҳамжихатлик, бағрикенглик ва шукроналик фазилатларини янада мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшмоқда. Ушбу улуг айёмнинг маънавий ҳаётимиздаги муҳим аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда уни мамлакатимизда муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини **28 июнь – чоршанба** кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорини инобатга олиб, юртимизда **2023 йил 28 июнь** кунини Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Аҳолининг Қурбон ҳайити байрамини муносиб савияда ўтказиши учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги "2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-270-сон Фармони билан иш ҳафтасининг туридан қатъи назар барча ходимлар учун **2023 йилнинг 29-30 июнь** кунлари, олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун **1 июль** кунини қўшимча дам олиш

куни сифатида белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Қурбон ҳайити халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Маданият ва туризм вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юрдошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида муътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадимжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қўлай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М. М. Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2023 йил 19 июнь

ҚАРОР ВА ИЖРО

Электр энергия
таъминотида нима
учун тез-тез узилишлар
кузатилмоқда?

Кейинги бир ой ичида Тошкент шаҳри туманларида электр энергияси таъминотида узилишлар кузатилмоқда. Об-ҳавонинг кескин исиб кетиши ва бу пайтда тез-тез таъминотдаги узилишлар истеъмолчилар учун ноқулайликлар туғдираётганини алоҳида таъкидлаш лозим. ЎЗА мухбири Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВнинг "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Фахриддин НУРАЛИЕВ билан суҳбати айнан шу ҳақда бўлди.

– Тошкент шаҳрида электр энергияси таъминотида тез-тез узилишлар кузатилмоқда. Бунга асосий сабаб нима?

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 мартда "Тошкент шаҳри истеъмолчиларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, айни кунларда "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти томонидан Тошкент шаҳри аҳолисини барқарор электр энергияси билан таъминлаш мақсадида паст кучлишли электр тармоқлари, трансформатор пунктларини янгилash ва модернизация ишлари амалга оширилмоқда.

Таъкидланганигиздек, сўнгги кунларда Тошкент шаҳрида электр энергияси таъминотида узилишлар бўлаёпти. 14 июнь кунини ҳам телеграмм каналимизда пойтахтдаги тўртта туманининг айрим худудларида электр таъминоти вақтинча тўхтатилиши ҳақида истеъмолчиларни оголантириш мақсадида хабар бердик.

Бунинг сабабларига тўхталадиган бўлсак, аввало, Президентимизнинг мазкур қарорини асосида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўлса, иккинчидан, бу борадаги ишларни хавфсиз бажариш, яъни тезкор бригадалар, қолаверса, ишчи-ҳодимларимиз ишлаётган пайтда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида худудларда электр тармоқларини режавий ўчиришга мажбуримиз. Амалга оширилаётган ишларни истеъмолчиларимиз пойтахтимизнинг кўпгина жойларида ерлар

кавланиб, кабеллар ўтказилаётганидан ҳам англаётган бўлса керак.

– Бундай юқори ҳарорат кузатилаётган пайтда модернизация ишларини бажариш қанчалик тўғри?

– Дарҳақиқат, бу каби аномал иссиқ об-ҳаво шароитида электр энергиясига талаб ортади, чунки ижтимоий объектлардан тортиб аҳоли хонадонлари, қолаверса, ташкилот ва идораларда совитиш тизимлари тўхтовсиз ишлаб туриши муҳим. Бироқ юқорида таъкидланганидек, қарор ижросини ўз вақтида таъминлаш, жорий куз-қиш мавсумига кўнглидагидек тараддув кўриш муҳим масала ҳисобланиб, бунда ҳар бир кун фанатим эканлигини унутмаслигимиз керак. Шу боис, айни иссиқ кунларда ҳам ходимларимиз кечаю кундуз меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, 14 июнь кунини пойтахтимиздаги "Хадра" подстанцияси тунги вақтда, яъни соат 01:00 дан соат 03:00 гача ўчирилиб, аҳолининг ушбу вақт оралиғида электр энергияси манбасига эҳтиёжи камайишини ҳисобга олган ҳолда модернизация ишларини бажаришга муваффақ бўлдик.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз қарорига асосан Тошкент шаҳрида жорий йилда 903 километр узунликдаги паст кучлишли электр тармоқлари ҳамда 228 та трансформатор пунктини янгилash ва модернизация ишлари белгиланган. Шу кунга қадар пойтахтимизда 903 километрдан ортқ масофадаги электр узатиш тармоқлари янгиланди.



Янги ҳаёт остонасида
янги тухфа

Термиз шаҳри "Тулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, собиқ Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Валижон Равшановга "Меҳр дафтари" жамғармаси ҳисобидан янги уй қалити топширилди.

– Кенг ва шинам хонадон барча маиший ва зарур уй-рўзгор жиҳозлари билан таъминланганини кўриб янада қувондим, – деди Валижон. – Бу эътибор ва ғамхўрликдан жуда ҳам миннатдорман.

Термиз давлат университетини тамомлаётган, янги ҳаёт остонасида турган Валижон учун бу уй беназир совға бўлди.

Маълумот учун. Жорий йилда Сурхондарё вилоятида 114 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум йигит-қизларга уй-жой топширилиши режалаштирилган.



Жонибек ҚУЗИМУРДОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Саидносор УСМОНОВ,
Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
ахборот хизмати раҳбари.

ШАҲАРСОЗЛИК
НОРМА ВА
ҚОИДАЛАРИ
ТАКОМИЛЛАШМОҚДА



Бунёдкорлик ишларининг сифатли, тартибли ва ўз ўрнида олиб борилиши биринчи навбатда муносиб шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидаларига бўлган эҳтиёжни оширади. Бугун юртимизда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳам энг аввало, шаҳарсозлик нормаларига мос равишда бажарилиши талаб қилинаётгани фикримизнинг исботидир. Бу борада Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти томонидан халқаро талаблар асосида шаҳарсозлик норма ва қоидаларига ўзгартириш ҳамда янгиликлар киритилмоқда. Масалан, 44 та амалдаги нормалар 14 та янги ШНКлари тарзида умумлаштириляпти.

Дарвоқе, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш тартиби ҳам янгиланди. Эндликда бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ёки таъмирлаш унинг эксплуатациявий характеристикаси ҳамда хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги, санитария-гигиена талаблари даражасини пасайтиришга олиб келмаслиги шарт. Яна бир янгилик, энди бино ва иншоотларнинг реконструкция қилинмайдиган, ўзгартирилмайдиган ёки таъмирланмайдиган қисмлари, янги қурилган бино ёки иншоотларга нисбатан қўлланиладиган талабларга мувофиқ бўлиши шарт эмас. Бунда, таъқиқланмаган материалларни қўллаш, асбоб-ускуналарни ўрнатилган ушбу материал ёки ускунани хавфсиз жойлаштириш билан боғлиқ стандарт қоидаларига риоя қилини керак.

Яна бир муҳим янгилик, бундан буён бино ва иншоотлар қурилишида автоурағохларни худудлар кесимида киши бошига кўра лойиҳалаштириш талаби белгиланмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида 1 хонадонга

1 та автоурағоҳ ўрни, бошқа вилоятларда эса 2 хонадонга 1 та автоурағоҳ бўлиши назарда тутиляпти. Мактаб ва боғчаларда 25 нафар болага 1 та, олий таълим муассасаларида 4 нафар талабага 1 та, шифохона ва поликлиникаларда 5 нафар қатновчига 1 та, маъмурий офис, ташкилот ва ҳўжалик муассасалари биналарининг 10 метр квадрат қисмига 1 та, масжидларда 10 нафар ташриф буюрувчи учун 1 та, бозорлардаги ҳар иккита савдо жойига биттадан, меҳмонхоналардаги ҳар 5 та ўринга 1 тадан автоурағоҳ бўлиши шартлиги белгиланмоқда.

Бунда албатта, шаҳар худудларидаги аҳоли турар жойлари ва ишлаб чиқариш биналарини реконструкция қилиш ҳамда мукамал таъмирлашда уларнинг нормал ишлашини таъминлаш, атроф-муҳитга таъсири, шу жумладан, мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таҳлил қилиш зарурлиги ҳам кўрсатилмоқда. Таъмирлаш-қурилиш ишлари хавфи табиий жараёнлар ва ҳодисаларнинг пайдо бўлишига ёки кучайишига олиб келмаслиги ҳамда одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига таъсир қилмаслиги, шунингдек, атроф-муҳит, ҳайвонот ва ўсимлик ола-

мига зарар етказмаслиги шарт. Жорий таъмирлаш ишларида муҳандислик тармоқларини таъмирлаш талаб этилмаса, бинаго техник хизмат кўрсатишни, шу жумладан, иссиқлик, сув, энергия таъминотини тўхтатмасдан амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, "Энерготехкорлик. Турар-жой ва жамоат биналари. Қоидалар тўплами" ҳам ишлаб чиқилмоқда. Мазкур ҳужжатда бино ва иншоотларнинг конструктив элементларидан тортиб, технологик ускуналарга бўлган энергия сарфи миқдори ва меъёрига асосий эътибор қаратилган. Бундан ташқари, сейсмик ва бошқа табиий офатлар содир бўлган шаҳарлар ҳамда аҳоли пунктлари биналарининг сейсмик хавфи ва барқарорлигини баҳолашни таъминловчи паспортлаштириш бўйича ягона услубий қоидалар ишлаб чиқилляпти.

Таъкидлаш керакки, ШНКлари доимий такомиллашиб борадиган жараён. Бунда жамоатчилик фикри ҳам инобатга олинади. Агар юрдошларимизда бу бўйича муносабат, таклиф ёки мулоҳазалар бўлса, @tsitl_shnk_bot телеграмм боти орқали ўз фикрларини билдириши мумкин.

Даҳбетга
файз
кирмоқда

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

Самарқанд шаҳрига тугашган Оқдарё туманида кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Даҳбет шаҳарчасининг буюк аллома ва ҳадис илми султони Имом Исмоил ал-Бухорий зиёратгоҳига олиб бориладиган катта йўл ёқасида бунёд этилаётган уйлар фикримизга яққол мисолдир. Мазкур кўп қаватли уй-жойлар аллақачон ўз эгаларига топширилаётгани айни муддао.

Маъмур Одилов раҳбар бўлган "SXF briok faktor" МЧЖ бюртмасига асосан Фирдавсий Яздонов бошчилигидаги "Ахтан модерн плус" МЧЖ бунёдкорлари томонидан барпо этишга киришилган уй-жойлар бугун шаҳарчага ўзгача файз бера бошлади. Бир йўла 17 та уй қурилишини нихосига етказётган қурувчилардан аҳоли мамнун бўлмоқда.

– Худудда қад ростлаётган уйлар бутун Даҳбетга жуда ярашиб тушаёпти, – деди савдо бўлимининг бошлиғи Беқод Мухаммадулов. – Ҳозиргача 500 та квартира битказилди. Айни пайтда уларни расмийлаштириш ишлари бошланган. Утган йили эса 900 та хонадон эгаларига топширилган эди.

Турар жойлар қуриладиган манзилда бир қанча эски ховлилар, айрим иншоотларни бузишга ҳам тўғри келди. Уларнинг ҳаммаси уй эгалари розилиги асосида бажарилди. Ҳеч кимнинг ҳақ-хуқуқи бузилмади. Массивдаги эски боғча ўрнига 150 ўринли замонавий мактабга таълим ташкилоти қуриб берилди. Шунингдек, савдо ва маиший хизмат шохобчалари ҳам барпо этилмоқда.

Электр энергия таъминотида нима учун тез-тез узилишлар кузатилмоқда?

1-бет

Шунингдек, Тошкент шаҳрида ортиқча юклама билан ишлаётган Юнусобод туманидаги "Юнусобод", Олмазор туманидаги "Сағбон", Мирзо Улуғбек туманидаги "Ботаника", Миробод туманидаги "Кўкжон" подстанцияларида реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Мазкур подстанциялардаги мавжуд куч трансформаторлари юқори қувватли сизга алмаштирилиши ҳисобига 179 мегаватт қўшимча қувват яратилиши ва натижада қарийб 20-22 минг аҳоли ва юридик истеъмолчиларнинг электр энергияси яхшиланишига эришилади.

– Президентимиз қарори асосида амалга оширилаётган модернизация ишлари қачон якунига етказилади?

– Аслида ҳам истеъмолчиларнинг талаби шу. Негаки, барқарор энергия бугун ҳар кунгидан ҳам зарур. Мазкур қарор бўйича барча белгиланган километрларда ишлар бажарилди. Трансформаторлар янгиланиб, монтаж ишлари олиб борилмоқда. Тез кунларда бу ишлар ўз якунига етказилади.

Қўшимча тарзда шуни айтиш керакки, Тошкент шаҳрида куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида капитал таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилади ва жорий йилнинг 1 августига қадар бажарилади.

– Модернизация жараёнларида йўллар ва йўлакларда қазил ишлари ҳам олиб борилган. Барча ишлар якунида йўллар ва йўлаклар таъмири қайси ташкилот томонидан амалга оширилади?

– Тўғри, кейинги пайтларда бу ҳақда муносабатлар келиб тушмоқда. Йўллар ва йўлакларда қазил ишлари фуқароларга ҳам, автомобилларнинг ҳаракатланиши учун ҳам ноқулайликлар туғдиримоқда. Бироқ бу ишлар лойиҳа асосида ташкил этилган.

Шу сабабли, барча ишлар тўлиқ якунлангандан сўнг "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда йўллар ва йўлаклар аввалги ҳолатига келтирилади.

Оқориди ишларни ўз вақтида ва сифатли якунлаш мақсадида Тошкент шаҳрининг баъзи маҳалла ва кўчаларидаги истеъмолчиларни турли вақт оралиғида электр энергияси таъминотида вақтинча ажратилган тўғри келмоқда. Шу ўринда вужудга келаётган бу каби вақтинчалик ноқулайликлар учун ўз сўраймиз.

ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ – қулай ва даромад манбаи

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
журналист.

Нодиржон Аҳмадқуловнинг Риштон туманидаги "Қошқайрон" МФЙда ҳоким ёрдамчиси вазифасида фаолият юритаётганига бир йилдан ошди. Қисқа вақт ичида маҳалла бешлиги ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда фуқароларни даромадли меҳнат билан банд қилиш орқали камбағалликдан чиқариш мақсадида хонадонларда хатлов ўтказилганда иқтисодий, ижтимоий-маънавий муаммолар, камчиликлар борлиги аниқланди. Айрим оилалардаги келишимовчилик ва ажримларнинг асосий сабаби ҳам етишмовчилик экани ўрганишлар давомида маълум бўлди.

Яна шу нарса аниқландики, баъзи хонадонларда эркак ҳам, аёл ҳам доимий ишламайди. Кунлик ишга чиқшади. Бундай иш бугун бор, эртага эса йўқ. Рўзгорга бирор нарса харид қилиш учун пул етмай турса, оилада жанжал чиқиши табиий. Қачонки, оила аъзолари доимий даромадга эга бўлсагина эртанги кун учун бош қотирмайди. Бу борада ҳоким ёрдамчиси Н. Аҳмадқулов вазифаси билан боғлиқ режаларни намунали тарзда олиб бормоқда.

– Ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари томонидан аҳоли ҳамда ташкилот, корхона ва муассасалар биналарининг том қисмига яшил энергия, яъни, қуёш панеллари ўрнатиш, ундан самарали фойдаланиш сиёсати амалга оширилган, – деди Нодиржон биз билан суҳбатда. – Юртимизда баъзи ёнғирли ва қорли кунларни эътиборга олмаганда, йил давомида қуёш



МАЪЛУМОТ УЧУН: ақлли ҳисоблагичлар бир сутка давомида қуёш панеллари томонидан ишлаб чиқарилган ва оилага сарфланганидан ортиқ электр энергиясини автоматик тарзда давлат тармоғига ўтказида. Шу билан бирга, аҳоли қуёш панелларидан фойдаланса, давлат ишлаб чиқараётган электр энергиясини тадбиркорларга, давлат корхоналарига беради ва ўз ўрнида завод-фабрикалар бир маромад ишлайди.

чарақлаб туради. Қуёш панеллари ҳақида кўп эшитганман. Оилавий тадбиркорликдан келатган даромаддан 150 млн сўм сарф қилиб, ўзим истикомат қиладиган янги уйнинг том қисмига 18 жуфт қуёш панелли ўрнатдим. Туман электр тармоқлари корхонаси билан хонадонимдаги қуёш панеллари ишлаб чиқараётган ва асосий тармоққа ўтказилаётган ҳар бир киловатт электр энергияси учун 1000 сўмдан ҳақ тўланиши юзасидан солиқ иловаси орқали "Қуёшли хонадон" дастурига уланиб, шартнома тузганман. Бундай ўйлаб қараганда, нафтақ томорқадан, балки томдан ҳам дурустгина даромад олиш мумкинлигини амалда кўриб турибман.

Агар бир кунда қуёш панеллари орқали ўртача 70-80 киловатт электр энергияси ишлаб

чиқарилишини эътиборга олсак, бу бир ойда 2700 кв бўлади. Бир ойда хонадонимда кўпи билан 200 киловатт электр энергияси сарф қилганимиздан ташқари, 2 200 000 сўмлик электр энергиясини давлатга сотишим мумкин экан. Маҳалладаги битта кўчада 10 та ўртача ўрнатилган қуёш панелли бўлса, қолган хонадонларни узлуқсиз электр энергияси билан таъминлаш имконияти яратилади. Бу билан қишда чироқ ўчди, подстанция куйиб кетди, деган шикоятларга чек қўйилади.

Қуёш панелларини ўрнатиш билан боғлиқ барча ишлар ўзимизнинг "Қошқайрон" МФЙда ташкил қилинган қуёш панеллари ўрнатган хонадонларга фойдаланишга қўйилади. Керакли бар-

ча анжомлар Корея давлати билан тузилган шартномага асосан келтирилиб, ўрнатилади. Ҳозиргача МЧЖ ишчилари Наманган, Андижон шаҳарлари ва Тошкент шаҳридаги буюртмаларни бажариб бўлишди. Айни кунларда Жиззах вилоятида ишлашмоқда. Самарқанд вилоятидан ҳам буюртма олинган.

Амалга оширилаётган ишларнинг эътиборга молик томони шундаки, маҳалладаги ёшлар жамиятга кириб, биринчидан иш ўрганишга, иккинчидан ҳар ойда камида 5,5-6 млн сўм даромадга эга бўлишмоқда. Жамоа ишчиларининг тажрибаси ортиб, бажараётган ишлари сифатлиги сабабли буюртмалар сони ортмоқда. Шу туфайли қуёш панеллари ўрнатишдан хабардор пайвандчиларга кўпроқ эҳтиёж сезилапти. Шу боис, Н. Аҳмадқулов фаоллар ёрдамида қўшни маҳаллалардан ҳам ишсиз йигитларни топиб, фаолият аниқ қизгин паллага кирган объекта юбориш ҳаракатида.

– Дастлаб, аҳолига қуёш панелларининг оила бюджети учун афзаллик томонларини сода қилиб тушутириганимизда кўпчилик "бўлмаган гап", деб ишонқирамади, – деди Н. Аҳмадқулов. – Қуёш борки, бу соҳа ўлмаслигини сода қилиб тушутириганимиздан кейин темирчилик билан шуғулланувчи Абдуқаҳор Зокиров ҳам бу соҳага қизиқиб қолди. Унинг фарзандлари Тошкентда ўқишади, энергетикадан хабари бор. Фарзандлари ўзаро маслаҳатлашиб, панелларни хориждан олиб келишга ёрдам беришди. Шу тарихқа қисқа мудат ичида "Қудрати офтоб" масъулияти чекланган жамияти очилди. Ишсиз, тармоқларга электр линияларини тортиш ва пайвандлаш ҳамда қуёш панелдан хабар бори қошқайронлик йигитлардан иборат жамоа тузилди. Бугунга келиб хонадонларга ҳам миқдорларнинг хоҳиш-истақларига кўра катта-кичик панеллар ўрнатилади. Аста-секин миқозлар кўпайди. Жамият томонидан бажарилаётган бу ишлар овоза бўлиб, қўшни вилоятларга ҳам етди.

Албатта, ишда сифатга алоҳида эътибор қаратилади. Бу ишда мавсум деган гап йўқ, Чунки қуёш йил ўн икки ой чарақлаб туради. Панеллар ўрнатилаверади, даромад эса келаверади. Эътиборлики, қуёш панеллари ўрнатган хонадонларга ер, мол-мулк солиғидан имтиёзлар берилган.

ҚАШҚАДАРЁДАН ДАРАКЛАР

"Янги Ўзбекистон" массивида меҳмонхона

Шухрат НОРМУРОДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Яккабоғ тумани ҳудудида бунёд этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивида меҳмонхона ва музикали фаввора қурилиш ишлари бошланди. Шу боис, қурилиш ишлари олдинда яхши ниятлар билан жонлик сўйилиб, хатми Қуръон ўқилди.

Бинонинг пойдеворини қўйиш маросимида туман ҳокими Лутфиддин Абдуллаев бошчилигидаги сектор раҳбарлари ва маҳаллий тадбиркорлари иштирок этишди. "КОЛАТ" МЧЖ томонидан олиб борилаётган қурилиш ишларининг лойиҳа қиймати қарийб 1 миллион долларни ташкил этади. Мазкур меҳмонхона таркибиде бизнес марказ, спорт зали, оилавий ресторан ва савдо дўконлари очилиши ҳам режалаштирилган.



Янги цех иш бошлади

Чироқчи туманида аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда кичик бизнес ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, туманнинг Янгиқурилиш маҳалласида тадбиркор Э. Диёров томонидан 70 ўринли янги тикув цехи ишга туширилди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун тадбиркор томонидан 2 млрд сўмдан ортиқ ўз маблағи ва тикув машиналар учун ҳоким ёрдамчиси тав-

сияномасига асосан 100,0 млн сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Натижада 40 дона замонавий тикув машинаси харид қилиниб, 50 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Ишчилар учун ошхона ва дам олиш хоналари фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Кўкдалада замонавий боғча



Президентимизнинг ўтган йилнинг апрель ойда Кўкдалага қилган тарихий ташрифи, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича берган тақлиф ва тавсиялари натижасида бугунги кунда туман ҳақиқий бунёдкорлик майдонига айланди. Ушбу бунёдкорликлар давоми сифатида туманда 150-ўринли 6-сонли ДМТТ фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Муротжон Азимов иштирок этиб, йил якунига қадар Кўкдалада яна қўллаб-аҳоли хонадонлари ва ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилишини таъкидлади.

Маълумот учун, 2017 йилда вилоятдан 326 та мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлиб, 3-7 ёшли болаларни қамров даражаси атиги 13 фоизни ташкил этган. Бугунги кунга келиб, боғчалар сони 3000 дан ошиб, қамров даражаси 60 фоизга етди.

Йўллар равон бўлади

Тегишли туман ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан берилган тақлифлар асосида шақланган ташкилотлар вилоят Кенгашининг шу йил 31 майдаги қарори билан тасдиқланган манзилли рўйхатга мувофиқ, жорий йилда халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан вилоятда умий ўзунлиги 155,3 километрга тенг ички йўлларга цемент-бетон қопламаси ётқизилади.

Жумладан, Қарши ва Шаҳри-сабз шаҳарларида 15 километр-дан, Қамаш туманида 10,3 километр, Ғузор, Деҳқонобод, Қарши, Косон, Китоб, Миришкор, Чироқчи, Кўкдала, Шаҳри-сабз ва Яккабоғ туманларида 10 километрдан, Касби, Муборак ва Нишон туманларида эса 5 километрдан цемент-бетон қопламали ички йўллар қурилади. Натижада, воҳдага 150 га яқин маҳаллада 210 тадан ортиқ кўча обод бўлади.

Хусусан, Ғузор туманида бундай қоплама 5 та маҳалладаги Буюк қарвон, Тинчлик, Наврўз, Обод ва Мустақиллик

кўчаларида ётқизилади. Қарши шаҳрида эса "Араловул" ва "Алишер Навоий" МФЙдаги ҳар бирининг кенглиги 4,5 метрга тенг 0,5-2 километр узунлик-даги цемент-бетон қопламали ички йўллар барпо этилади. Ўз навбатида, Кўкдала туманидаги 9 та МФЙ – "Шўрбозор", "Айрином", "Кўкдала", "Қумдарё", "Шўрқудуқ", "Тошли", "Пахта-лисий", "Аннарўз" ва "Дўстлик" МФЙларидаги 12 та кўчада ички йўллар эни 4,5 метр, узунлиги 150 метрдан 2 километр 450 метргача цемент-бетон қопламасини ётқизиш эвазига равон бўлади.

Чироқчидаги маҳаллалар – замонавий бинода

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори доирасида Чироқчи туманидаги мавжуд маҳалла фуқаролар йиғини инфратузилмасини янада яхшилаш мақсадида бир куннинг ўзида туман марказидан олис "Бешбулоқ", "Араббанди", "Нуробод" ва "Қўшанқор" маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда туман ҳокимлиги вакиллари, тегишли ташкилотлар раҳбарлари, нурунийлар, ёшлар ва маҳаллалар фаоллари иштирок этиди. Очилиш маросимида сўз олганлар юртимизда маҳалла институтини янада ривожлантириш, амалга оширилаётган кенг кўламли иш-лохотлар самараси, улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзлаб, олиб борилаётган барча эзгу ишлар, аввало, халқимиз розилиги, инсон қадрини унун хизмат қилаётганини таъкидлашди. Замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган ва барча шароитларга эга маҳалла фуқаролар йиғини биналари фуқаролар учун ҳақиқий тўхфа бўлди.



Аҳолининг муаммоси ҳал бўлди

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.
Шаҳноза МАМАТУРОПОВА, журналист.

Ижтимоий объектлар ва кўп қаватли уйлари бунёд этиб, халқимизга туҳфа қилиш баробарида қурувчиларимиз кўприксозлик ҳамда йўлсозлик соҳасида ҳам дунё стандартларига тула жавоб берадиган иншоотларни қуриш бўйича катта тажриба тўплашди. Айниқса, кейинги йилларда автомобиллар ва йўловчилар ҳаракатлинишига қулайлик яратиш ҳамда тирбандликларнинг олдини олиш учун республикамиз ҳудудларида қад ростлаган кўприклар аҳолининг бу борадаги мушкулени осон қилаётир.



даги “2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги фармойишига асосан “4Р253 “Тошкент шаҳри – Туркистон ш/х – Қозоғистон Республикаси чегараси” автомобиль йўлининг 3 километридаги темир йўл устидан йўл ўтказгич қуриш” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари-ни қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” давлат унитар корхонаси буюртмачи этиб белгиланди.

Қурилиш ишларини амалга ошириш юзасидан бош пудратчи этиб “Кўприкқурилиш трести” унитар корхонаси таркибидagi 13-кўприкқурилиш жамоаси танланди. Лойиҳа бўйича энг аввало, темир йўл ва автомобиль йўлининг кесилиш масида умумий узунлиги 398 метр, кенглиги эса 22 метр, кўприккоти баландлиги 7 метр бўлган тоннель шаклидаги йўл ўтказгич, унинг устидан узунлиги 218 метр, кенглиги 18,5 метри уч изли темир йўл кўпригини қуриш, улар кесилишмасида яна узунлиги 28 метр, эни 12,5 метрдан иборат автомобиль йўл ўтказгичини барпо қилиш режалаштирилган. Бундан кўриниб турибдики, лойиҳа ўта мураккаб бўлиши баробарида юртимизда хали бу сингари лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинмаганда.

Аммо иш биланга минг танга экан, соҳада катта тажриба тўплаган бунёдкорлар замонавий техника ва технологиялар кучидан самарали фойдаланган ҳолда киска мuddатларда барча ишларни сифатли қилиб бажариб, ҳудуддан ўтувчи автомобиллар ҳамда аҳолига қулай шароит яратиш билан бирга, поездларнинг тўсиқларсиз қатнови учун ҳам имкон яратишди.

– Иш бошлаш аввалида тажрибали мутахассислар ҳамкорлигида лойиҳанинг ҳар бир жиҳатини мукамал ўрганганимиз кейинги жараёнда қўл келди, – деди 13-кўприкқурилиш отряди мутахассиси Бегзод Шералиев. – Кўприкнинг автомобиллар ҳаракатланадиган ерости қисмида нуқулай об-ҳаво шароитида, яъни, мевёбидан ортиқ ёмғир ёққан кунлари сув тўпланиб, ҳаракатларни қийинлаштирмаслик учун сувни чиқариб ташловчи насос станцияси ҳам қурдик. Маблумот ўрнида: мазкур иншоотни бунёд этиш жараёнида 7,6 миң кубометр бетон, 104 миң кубометр тупроқ, 3,4 миң тонна асфальт ётқизилган. Бундан ташқари, 42 та темир-бетон оралик қурилма, 521 та тиргак девор монтаж қилиниб, 90 та ёритиш устуни, 648 метр химоя тўсиқлари амалга оширилиши натижасида бир кеча-кундузда ўртача 10 миңга автотранспорт воситасининг зулуқсиз қатновига шароит яратилди. Мухими, замонавий кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилганидан ҳудудда яшовчилар миннатдор бўлишмоқда.

Ал Хоразмий мажмуасида қурилиш ишлари авжида

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бундан роппа-роса бир йил олдин Хоразмда буюк аллома Муҳаммад Ал Хоразмий шаҳарчаси қурилишига тамал тоши қўйилган эди. Хоразмнинг бош дарвозаси Урганч халқаро аэропорти яқинида 130 гектар майдонни эгаллаган кичик шаҳарча бугун катта қурилиш майдонига айланган.

Бу мажмуа Урганч шаҳрининг замонавий қурилишини ўзда акс эттирибгина қолмай, балки юртимизга келаётган меҳмонларга буюк аждодларимизга бўлган ҳурмат ва эҳтироннинг олий намунаси эканлигидан ҳам далолат беради. Президентимиз Хоразмга ташрифи чоғида бунга алоҳида ургу берган эди. Аҳамиятли жиҳати, ушбу мажмуада қурилаётган уй-жойлар сифати жиҳатидан жаҳон андозаларига тўлалигича мос келади.

Айни кунларда бу ерда қурилаётган 5-9 ва 12 қаватли биноларда уй-жой, савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашиши кўзда тутилмоқда. 5 000 мингга яқин хондонга мўлжалланган шаҳарчада Ал Хоразмийнинг маҳобатли ҳайкали, унинг орқа томонида олийгоҳ, Ал Хоразмий академияси, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда истироҳат боғи қад ростлайди. Мажмуанинг орқа томонида савдо ва энгил саннат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган марказ фаолият юритади.

Бир сўз билан айтганда, шаҳарчада келгусида таълим олиш, ишлаш, яшаш, савдо қилиш, дам олиш, илмий изланиш учун имкониятлар бир ернинг ўзида жам бўлади. Ҳозирда бу иморатларнинг биринчи босқич қурилиш ишлари якунланиш арафасида.

